

**«ТАСДИҚЛАНГАН»
«Hamkorbank» АТБ
акциядорларининг
2020 йил 19 марта
Навбатдан ташқари умумий
йигилиши томонидан**

Банк Кенгаси Раиси

И.И.Ибрагимов

**ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ
“HAMKORBANK” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИ
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ”
КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР**

| № | Амалдаги таҳрир | Янги таҳрир |
|----------|---|---|
| 1. | <p>4-бандга ўзгартириш киритилади.</p> <p>4. Ушбу Кодекс Банк акциядорлари, Кенгаши, Бошқаруви аъзолари ва бошқа ходимларининг, уларнинг Банк Устави ва бошқа ички хужжатларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини тўлдирувчи, уларнинг ўз зиммаларига ихтиёрий равишда олган мажбуриятлари тўплами ҳисобланади.</p> | <p>4-бандда «Кенгаш аъзолари» сўзлари «Кузатув Кенгаши аъзолари (бундан кейин - Кенгаш аъзолари)» сўзларига ўзгартирилсин.</p> |
| 2. | <p>6-бандга 2-хатбоши.</p> <p><u>Адолатлилик (ҳаққонийлик)</u> - капиталдаги иштирок улуши ва турган жойидан қатъи назар барча акциядорларга нисбатан teng муносабат, уларнинг хуқуқларини самарали ҳимоя қилиш имкониятини бериш. Банк Кенгаши барча акциядорларга уларнинг хуқуқлари бузилган ҳолларда самарали ҳимоя олиш имкониятини тақдим этади.</p> | <p>6-бандда 2-хатбошидаги «Кенгашининг» сўзи «Кузатув Кенгашининг (бундан кейин - Кенгашининг)» сўзи билан ўзгартирилсин.</p> |
| 3. | <p>10-бандга ўзгартириш киритилади.</p> <p>Акциядорлар Умумий мажлиси банкнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади</p> | <p>10-бандга қўйидаги таҳрирда 1-хатбоши киритилсин:</p> <p>“10. Акциядорлар умумий мажлиси, банк Кенгаши ва Бошқаруви банкни бошқариш органлари ҳисобланади.”</p> |

| | | |
|----|--|--|
| 4. | 11-бандга янги қисмлар киритилади | <p>11-бандга қўйидаги янги таҳрирда 2, 3-қисмлар киритилсин:</p> <p>Банк корпоратив бошқарувнинг қўйидагиларни белгилаб берадиган аник белгиланган ташкилий структурасига эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> • масъулиятнинг шаффоф соҳалари; • банк дуч келган ёки дуч келиши мумкин бўлган (инқироз вазиятларини тақлид қилиш сценарийлари) хатарларни аниқлаш, бошқариш, мониторингини олиб бориш ва улар тўғрисида хабар қилишнинг самарали процедуралари; • операциялар бўйича хатарларни қоплаш учун капиталнинг ликвидлиги ва мослигини баҳолаш процедураси; • ички назоратнинг тегишли механизмлари, шу жумладан бухгалтерлик хисобини юритиш тартиби; • ходимларни мукофотлашнинг хатарларни оқилона ва самарали бошқаришга мос бўлган ва кўмаклашадиган сиёсати ва усуллари. <p>Корпоратив бошқарувнинг ташкилий тузилмаси, процедура ва механизмлари комплекс бўлиши ва хатарларнинг бизнес моделга ва банк амалга ошираётган фаолиятга хос бўлган характеристики, миқёси ва мураккаблигига мувофиқ бўлиши керак. Ички назорат механизмлари камида бошқарув функцияларининг бажарилиши ва хатарларнинг баҳоланиши ва ички аудит талабларига риоя қилинишини таъминлаши керак.</p> |
| 5. | 21-бандга 2, 3 янги қисмлар киритилади. | <p>21-бандга қўйидаги таҳрирда янги 2, 3-қисмлар киритилсин:</p> <p>«Банк Кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнинда назорат ва текшириш функцияларини бажаради ва умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгар бўлади.</p> <p>Банк Кенгаши фаолиятни бошқаришнинг банкни самарали ва келажакни кўзлаб бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатлар ва жавобгарликни тақсимлаш, манфаатлар зиддиятининг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган ташкилий тузилмасини белгилайди</p> |

| | | |
|----|---|---|
| | | ва унинг жорий этилишини назорат қиласи ва текширади.» |
| 6. | 30-бандга янги 2-қисм киритилади. | <p>30-бандга қўйидаги таҳрирдаги янги 2-қисм киритилсин:</p> <p>«Банк Кенгаши аъзолари банкни оқилона корпоратив бошқаришга кўмаклашишлари керак ва ўз ваколатлари ва мажбуриятларини бажаришда банк, унинг омонатчилари ва акциядорининг қонуний манфаатларини ҳисобга олишлари, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлашлари зарур.»</p> |
| 7. | Янги 57¹-банд киритилади. | <p>Қўйидаги таҳрирдаги янги 57¹-банд киритилсин:</p> <p>«57¹. Банк Бошқаруви банкни бошқаришнинг ижро органи ҳисобланиб, Банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган фаолиятни бошқариш тизими ва стратегиясига мувофиқ банкни тезкор бошқаришни амалга оширади.</p> <p>Банк Бошқаруви қўйидагиларни амалга ошириши шарт: стратегик мақсадлар, корпоратив бошқарув сиёсати, банкнинг бошқа ички сиёсатини, жумладан хатарларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабар қилиш, капиталнинг етарлилигини тегишли даражада сақлаб туриш сиёсатини амалга ошириш;</p> <p>банкни бошқаришнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан банк ходимлари ўртасида ваколатлар ва жавобгарликни уларнинг ўз ваколатлари чегарасида тақсимлашни таъминлаш;</p> <p>банк ходимлар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;</p> <p>банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажариш, шунингдек акциядорлар Умумий мажлиси ва банк Кенгашига вакти-вакти билан амалга оширилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ва санкциялар тўғрисида ҳисобот тақдим этиш;</p> <p>банк Устави ва банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун билан кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.»</p> |

| | | |
|----|---|--|
| 8. | Янги 12¹-банд киритилади. | <p>Кўйидаги таҳрирдаги янги 12¹-банд киритилсин:</p> <p>«12¹. Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, шунингдек асосий ходимлари иш бўйича бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлиши, ўз ваколатлари чегарасида банк хатарларини самарали бошқариш, асосланган қарорлар қабул қилишни таъминлаш учун зарур тажриба, билим ва малакаларга эга бўлиши зарур.</p> <p>Банк Кенгаш ва Бошқарув аъзолари, шунингдек асосий ходимларининг банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига доимий мувофиқлигини таъминлаши шарт.</p> <p>Марказий банк Кенгаш, Бошқаруви аъзолигига ва банкнинг асосий ходимлари лавозимларига кўрсатилаётган шахслар номзодини улар лавозимига киришишидан олдин келишади. Агар асосий ходимни объектив сабабларга кўра олдиндан келишиш имкони бўлмаса банк кейинги розиликни олиш учун сўров юбориши зарур.</p> <p>Банк бошқаруви аъзолари ва асосий ходимлари иш берувчининг розилиги билан бошқа ташкилотларда ўриндошлиқ бўйича ишлашлари мумкин, уларнинг ишга жойлашиши манфаатлар зиддиятига олиб келиши мумкин бўлган бошқа банк ёки ташкилотлар бундан истисно.»</p> |
| 9. | Янги 78¹-банд киритилади. | <p>Кўйидаги таҳрирдаги янги 78¹-банд киритилсин:</p> <p>«78¹. Банк банкнинг сайланадиган органлари аъзолари ва ходимлари риоя қилиши шарт бўлган қўйидаги:</p> <ul style="list-style-type: none"> коррупциянинг олдини олиш чоралари; ахлоқ-одоб қоидалари; манфаатлар зиддиятининг олдини олиш ва бартараф этиш сиёсатини ишлаб чиқади ва амалга оширади. <p>Банк ёки банкнинг назоратида бўлган юридик шахс билан боғлиқ шубҳали фаолият, фирибгарлик ёки лавозимни сұйистеъмол қилишлар тўғрисида хабар берадётган Кенгаш, Бошқарув аъзоси ёки банк ходимининг шахси анонимлигича қолиши зарур.»</p> |

